




Edited with the trial version of  
Foxit Advanced PDF Editor

To remove this notice, visit:  
[www.foxitsoftware.com/shopping](http://www.foxitsoftware.com/shopping)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ



МАҲМУДХҲЖА БЕҲБУДИЙ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ  
ҚАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ



145

МАҲМУДХҲЖА БЕҲБУДИЙ  
ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ



ISBN 978-9943-6722-2-2



9 789943 672222



ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ



**МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ  
ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**



**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

*2020 йил 2 декабрь*

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

УЎК: 28:821.512.133.09

КБК: 86.38

83.3(5Ўзб)

А 25

Маҳмудхўжа Бехбудий диний-маърифий қарашларининг замонавий талқинлари [Матн] : конференция тўплами / С.С. Агзамходжаев, З.М. Исломов, Н.А. Мухамедов. – Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021. 272 б.

УЎК: 28:821.512.133.09

КБК: 86.38

83.3(5Ўзб)

*Масъул муҳаррирлар:*

*Тарих фанлари доктори, профессор С.С. Агзамходжаев*

*Филология фанлари доктори, профессор З. М. Исломов*

*Тарих фанлари доктори, доцент Н. А. Мухамедов*

*Таҳрир ҳайъати:*

**Ш.Ёвқочев, И.Усмонов, А.Ҳасанов, Д.Мақсудов, И.Бекмирзаев, Н.Насруллаев,**

**Ш.Тўхтиев, А.Ғаниев, Т.Хатамов, З.Зинатуллаев, С.Саиджалолов,**

**М.Зикруллаев, Т.Қозоқов, М.Жониев, Н.Мирзаев,**

**Л.Абдулкадиров, Д.Нишанова.**

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг 145 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлаш борасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йил 2 декабрда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида “Маҳмудхўжа Бехбудий диний-маърифий қарашларининг замонавий талқинлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Ушбу конференция материаллари асосида тўплам нашрга тайёрланди.

Мазкур тўпламда жадид маърифатпарварларининг илм-маърифат ва ёшлар тарбиясига доир қарашлари ва амалий фаолияти, хусусан, жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг илм-маърифат ва таълим-тарбияга оид фаолияти, жадидларнинг илм-фан, маърифат ва таълим-тарбияни янгилашга оид қарашлари ва амалий фаолияти, жадид маърифатпарварларининг илмий-маърифий, маданий ва маънавий меросини ёшларга тушунтиришнинг замонавий усул ва воситаларини ўрганишга оид янгича ёндашувлар асосида таклиф ва тавсиялар қамраб олинган мақолалар акс этган. Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тарихчи олимлар ва файласуфларининг маърузалари ҳамда шу соҳада илмий тадқиқот олиб бораётган мустақил тадқиқотчилар, докторант, магистр ва талабаларнинг илмий-оммабоп ишлари, тезислари ушбу тўпламдан ўрин олган.

Мақолалардаги маълумотлар асосли эканлигига муаллифлар жавобгардир.

**ISBN 978-9943-6722-2-2**

© «Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2021

**САЛОМОВА ҲАКИМА ЮСУПОВНА,**  
*Бухоро давлат университети “Тарих ва маданий мерос”  
факультети профессори, фалсафа фанлари доктори*

## **АҲМАД ДОНИШ ТАЛҚИНИДА МАЪНАВИЙ МЕЪЁР МАСАЛАЛАРИ**

Туркистон халқларининг бой ижтимоий-сиёсий, фалсафий-ахлоқий, маданий тараққиётида XIX асрнинг иккинчи ярми, XX асрнинг бошларидаги давр ўзининг ниҳоятда сермазмунлиги ва сиёсий жараёнларнинг тезлашганлиги, ғоявий-назарий ва мафкуравий ҳаракат шаклларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари тарихига доир маълумотлар илк ўрта асрлардаёқ шаклланган эди. Бироқ, ана шундай юксак цивилизацияни бошдан кечирган минтақамиз ва буюк сиймоларни берган миллатимиз XVII–XIX асрлар мобайнида шу чокқача эришган юксалиш даражасидан тушиб таназзулга юз тутгани ва Россия империяси мустамлакасига айланганини ижтимоий фанлар нуқтаи назаридан ўрганилиши зарур бўлган масалалардан биридир.

Тарихан қисқа даврда эришган энг улкан ютуқларимиз - бу юртимиз озодлиги ва қадриятларимизнинг тикланаётганлигидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Умуман, биз жадиҳчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади” [1]. Зеро, юртимиз ҳудудидан етишиб чиққан буюк шахслар, давлат арбоблари ва алломаларнинг ҳаёти ҳамда улар қолдирган миллий маънавий мероси–нодир қўлёзмаларни ўрганиш, асраб–авайлаб ва уни келгуси авлодларга етказиш олий мақсадимиздир.

Шундай алломаларимиздан бири Аҳмад Дониш (Аҳмад ибн Мир Мансур ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддикий ал-Бухорий) 1827 йил Бухоро шаҳрининг Кўчаи сангин гузарида таваллуд топди. Аҳмад Донишнинг бобоси Пирмаст туманининг Суғд (ҳозирги Шофиркон тумани Дўрмон МФЙга қарашли Суғут) қишлоғидан бўлган. У бошланғич таълимни онаси Сакина Абдурахмон қизидан олади.

Аҳмад Дониш ўзининг “Наводирул вақое” ва “Меъёри тадайюн” асарларида инсон руҳий борлигидаги меъёр ва унинг мезонлари ҳақида чуқур мушоҳадалар юритди. Аҳмад Дониш фикрича оқил киши –

меъёрини билган киши саналади. Меъёр Аҳмад Дониш асарларида “ҳад”, (чегара-ўзимизники), “эътодил” (мўътадил, ўрта даража), “маҳак тош”, “зарураг” каби тушунчалар орқали кенг ёритилган. Дониш наздида меъёр тартиблилик, оқиллилик, ички сабрлиликда намоён бўлади.

Дониш назарида меъёр эҳтиёж, аниқроғи зарурий эҳтиёж билан ақлий эҳтиёж билан боғланган. Зарурий ёки ақлий эҳтиёж ҳар қандай камчилик ва ортиқчаликдан холи бўлган эҳтиёждир. Аҳмад Дониш ёзади: “Кишининг ақли ёки ақлсизлигининг аломати етарлидан ортиқча дунёга кўнгил қўйиш ёки қўймаслигидадир” [2]. Демак, оқил инсон (руҳий меъёрга эга инсон) моддий бойликни фақат меъёрида бўлишини истайди, ақлсиз эса меъёр чегарасидан чиқади.

Ақлнинг меъёри тааллуқсизликдадир, деб таъкидлайди Дониш: “Пас, меъёри ақл ба андозаи (ихтиёр) каме таалуқ гири, ростар ояд ва ҳар киро таалуқ дар ин чо бештар бувад. Беақли бисъёртар бувад. (Чунки тахаммули табаллуқ, беранг, набувад ва оқил биттабъ мутаххаммили ранч, нашавад). Ва он ки мучаррадтар – оқилвар, тачрид билихтиёр бояд, на билизтирор, ки дарवेशи дунъодуст дарвеш набувад”. Мазмуни: “Ақлнинг меъёри тааллуқларнинг камайиши билан андозаси (ёки миқдори) билан тўғриланади. Кимнинг тааллуқлиги кўпроқ бўлса, ақлсизлиги кўпроқдир. Чунки тааллуқнинг ўйловлари азобсиз бўлмас. Оқил инсон ўзини ранжга қўймас. Нимаки мужаррад бўлса оқилроқдир. Тажрид ўз ихтиёри билан бўлиши керак, дарвеш дунёни севса, дарвеш бўла олмайди” [3].

Ҳеч қандай моддий бойликка, баъзи кишиларга боғлиқ бўлмаган инсон оқил, яъни меъёрли инсондир. Ички руҳий меъёрнинг шаклланишида Дониш асл сифат (ирсий сифат) ва тарбия юзасидан вужудга келган сифатлара диалектикасига алоҳида эътибор беради. “Ақлли одамларнинг аломати улардаги яхшилиқнинг ёмонликдан кўпроқ ёки баробар бўлишидадир”, деб уқтиради бухоролик аллома.

Аҳмад Донишнинг яна бир алоҳида таҳсинга лойиқ ютуқларидан бири “Қуръон”даги меъёр талқинини нотўғри тушуниб, нафс гирдобига тушган “ўзларини комил қилиб кўрсатувчи” кишилар устидан кулади ва меъёрнинг – тежамлилиқ кўринишини асл ҳолича тушунтиради: “Илм ўрганишда ўзларини комил қилиш, қазо ва фатво илмларида халқнинг ҳожатини чиқазиб дов жанжалларни тугатиш, табиатда соғлиқни сақлаш ва бошқа ҳамма ҳунар ва касблардан кутган мақсадлари ҳам нон топишдир. Аммо уни бошқа ном билан юритадилар... Қуръондаги /ризқларингни/ исроф қилманглар деган сўзни одамларга берманглар, ерга тукманглар деб тушунадилар... / Улар/ ейиш-ичишнинг сарвари олам ва саҳобалари белгилаб қўйган миқдорини тарки дунёликка, тақводорликка жўйдилар;

чунки уларнинг кўрсатган миқдорлари нафсга тўғри келмас эди”. Эътибор берсак, бу сатрларда меъёрнинг икки кўриниши аниқ ёритилган. Биринчидан, меъёр – тежамкорлик, исроф қилмаслик маъносида, иккинчидан олам сарвари ва саҳобалар белгилаб берган миқдор – Оллоҳ ва саҳобалар “кўрсатган миқдор” (айнан уларнинг ўзи, белгиланган миқдорлари, фаолият, фикрлари ҳам мезон, руҳий меъёр мезони қилиб белгиланган – С.Х.) – меъёр моҳияти ёритилган. “Қуръонда меъёр тарози, адолат тарозиси сифатида ҳам талқин этилган.

Бу талқин ҳам Дониш назаридан четга қолмади:” ... ақлни ақлсиздан, йўл топганни эса адашгандан ажратиш учун бир қоида лозимдир. Ҳақни ботилдан, яхшини ёмондан ажратмоқчи бўлсалар, ана ўша тарозига солиб тортишлари керак. Шу билан кимнинг қандай эканлигини ажрата оладилар”.

Тарози орқали ҳақ ботилдан, яхши ёмондан ажралади. Булар бари Доиншнинг руҳий меъёр инсон фаолияти, амалиётда бошқарувчилик қилиши мисоллари орқали тушунтиради. Дониш уқтирадилар: “Агар танингга қувват бўлиб, ўзинг тикка тургудек ҳалол ризқ топиб ер экансан, киёматда унинг ҳеч ҳисоб-китоби йўқдир. Агар ифрот ёки тафрит тарафига ўтсанг, худо олдида ҳижолатда қоласан”. Ифрот – ҳаддан ошиш, тафрит – меъёрга етмайдиган ҳолат маъносида ишлатилган. Ҳар ишнинг ҳадди, қиёми, асл жавҳари яхши, улардан ошиш – ифрот, улардан камайиш – тафрит ҳам зарардир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, №19 (7521).
2. Ахмади Дониш. Наводир – ул – вақоеъ. Китоби 1. Муҳаррирони масъул доктори илми филология Расул Ходизода. Номзоди илми филология Алиқул Девонакулов. -Душанбе. “Дониш”. 1989.
3. Ахмади Дониш. Наводир –ул--вақоеъ. Китоби 2. -Душанбе. “Дониш”. 1989.

\* \* \*

<b>Исроилова М.А.</b> “Ёшлар маънавиятини шакллантиришда жадиdlарнинг илм-фан, маърифат ва таълим-тарбияни янгилашга оид қарашлари” .....	227
<b>Камилджанов М.Н.</b> Беҳбудий қарашларида миллий маънавиятимизнинг юксалтириш масалалари .....	234
<b>Саломова Ҳ. Ю.</b> Аҳмад Дониш талқинида маънавий меъёр масалалари .....	238
<b>Жумаев Ж.Ш.</b> Жадиd мутафаккири Саидахмад Сиддиқий – Ажзий фаолиятини ёритувчи манбалар .....	241
<b>Раҳмонова М.А.</b> Фитратнинг илм-фан, маърифат ва таълим-тарбияни янгилашга оид қарашлари ва амалий фаолияти .....	244
<b>Очилова Г.А.</b> Аждодлар ёди мангу барҳаёт .....	249
<b>Абдулкадиров Л.В.</b> Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» асарида ёшларнинг таълим ва тарбияси .....	254
<b>Sulaymonbekov S. S.</b> Turkiston jadidchiligi otasining ilmiy-ma’rifiy qarashlari va uning zamonaviy hayotimizdagi o’rni .....	260
<b>Sodiqova M.Sh.</b> Jadidlarning ilm-fan, ma’rifat va ta’lim-tarbiyani yangilashga oid qarashlari .....	265

# **МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНЛАРИ**

## **ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ ТўПЛАМИ**

*2020 йил 2 декабрь*

«Ўзбекистон халқаро ислом академияси»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2021

Нашр учун масъул: **И.Ашурматов**  
Бадий муҳаррир: **Ф.Собиров**  
Дизайнер-саҳифаловчи: **Л.Абдуллаев**

Нашриётнинг лицензия рақами АА № 0011. 06.05.2019 йил.  
Босмахонага 16.04.2021 йилда берилди.  
Бичими 60×84 % Шартли б.т. 15,7. Нашр т. 16,3.  
Адади 100 нусха. Буюртма № 29.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.